Намуна 1.8

ALOQABANK

Банк Бошқаруви йиғилишининг
2022 йил 31 августдаги
401- сонли баёнига
7-илова

| **АТ «АЛОҚАБАНК» МОБИЛ ИЛОВАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ** | **ПОЛЬЗОВАТЕЛЬСКОЕ СОГЛАШЕНИЕ ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ МОБИЛЬНОГО ПРИЛОЖЕНИЯ АК «АЛОКАБАНК»** |
|---|---|
| Мазкур фойдаланиш тўғрисидаги келишув (кейинги ўринларда **«Келишув»** деб юритилади) АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда **«Банк»** деб юритилади) Мобил иловасидан фойдаланиш шартларини белгилаб, Банк билан Фойдаланувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади. | Настоящее пользовательское соглашение (далее по тексту – **«Соглашение»**) устанавливает условия использования Приложения АК «Алокабанк»а (далее по тексту – **«Банк»**) и считается Договором, заключённым между Банком и Пользователем. |
| **1. АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР** | **1. ТЕРМИНЫ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ** |
| 1.1. **Фойдаланувчи** - муомалага лаёқатли жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси тижорат банки томонидан эмиссия қилинган EMV банк карта эгаси; | 1.1.**Пользователь** – дееспособное физическое лицо, держатель банковской карты EMV, эмитированной коммерческим банком Республики Узбекистан. |
| 1.2. **Банкнинг Иловаси** – мобил ускуналар учун «_________________» *(мобил илова номи)* номли дастур бўлиб, Банк томонидан яратилгани сабабли у бўйича барча ҳуқуқлар мутлақ Банкка тегишли. \ | 1.2. **Приложение Банка** – программа для мобильных устройств под наименованием «______________» *(название мобильного .приложения)* все права, на которое исключительно принадлежат Банку в силу его создания Банком. |
| 1.3. **Ускуна** - Банк Иловаси ўрнатилган ва Интернетга уланадиган мобил техник ускуна (смартфон, планшет ёки бошқа қурилма). | 1.3. **Устройство** – мобильное техническое устройство (смартфон, планшет или др. устройство), имеющее доступ к сети Интернет, на котором установлено Приложение Банка. |
| 1.4. **Лицензия** - Банк Иловасидан фойдаланиш учун оддий (эксклюзив бўлмаган) бошқага ўтказилмайдиган, чақириб олинадиган, беғараз лицензия (рухсатнома). | 1.4. **Лицензия** – простая (неисключительная) непередаваемая отзывная безвозмездная лицензия на использование Приложения Банка. |

| | |
|---|---|
| Келишувнинг матнида «АТ «Алоқабанк»нинг жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиш шартлари» ва/ёки АТ «Алоқабанк» карталаридан фойдаланиш шартларида белгиланган таърифга эга атамалар ҳам қўлланилади. | По тексту Соглашения также применяются термины, имеющие определение в «Условиях банковского обслуживания физических лиц АК «Алокабанк»» и/или условиях использования банковских карт АК «Алокабанк». |
| **2. КЕЛИШУВНИНГ МАЗМУНИ** | **2. ПРЕДМЕТ СОГЛАШЕНИЯ** |
| 2.1. Банк Фойдаланувчига ушбу Келишувда белгиланган доира ва усулларда Лицензия шартлари асосида Банк Иловасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Банк Иловасидан фойдаланиш, унинг ўзига хос функционал имкониятлари шунингдек, тизим талаблари тўғрисидаги барча маълумотлар Банк Иловасидан фойдаланиш бўйича қўлланмада келтирилган. | 2.1. Банк предоставляет Пользователю право на использование Приложения Банка на условиях Лицензии в пределах и способами, определенными настоящим Соглашением. Информация об использовании и особенностях функциональности Приложения Банка, а также системные требования содержатся в руководстве по использованию Приложения Банка. |
| 2.2. Лицензия қуйидаги шартлар асосида берилади: | 2.2. Лицензия предоставляется на следующих условиях: |
| 2.2.1. Лицензияни амал қилиш ҳудуди – дунёнинг барча мамлакатлари; | 2.2.1. Территория действия Лицензии – все страны мира; |
| 2.2.2. Лицензиянинг амал қилиш муддати – Фойдаланувчи Банк Иловасидан фойдаланишни бошлаган ва Лицензия шартларини қабул қилган санасидан бошлаб, Илова Ускунадан ўчириб ташлангунга ва/ёки Ускуна фойдаланувчиси ўзгаргунига қадар; | 2.2.2. Срок действия Лицензии – с даты начала использования Пользователем Приложения Банка и принятия Пользователем условий Лицензии до момента его удаления с Устройства и/или смены Пользователя Устройства; |
| 2.2.3. Лицензия қуйидаги усул ва чегараларда Банк Иловасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради: | 2.2.3. Лицензия предоставляет право на использование Приложения Банка следующими способами и в следующих пределах: |
| - Банк Иловасини Ускуна хотирасига юклаб олиш ва ўрнатиш; | - копирование и установка Приложения Банка в память Устройства; |
| - Банк Иловасини Ускунада ишлатиш; | - использование Приложения Банка на Устройстве; |
| - Банк Иловасидан Келишувнинг 3.6-бандида кўрсатилган тўғридан- | - использование Приложения Банка по прямому функциональному |

| | |
|---|---|
| тўғри функционал мақсадларда фойдаланиш.<br>Ушбу бандда кўрсатилган Банк Иловасидан фойдаланиш ҳаракатлари Фойдаланувчи томонидан мустақил равишда амалга оширилиши керак; | назначению в целях, определённых в п. 3.6. Соглашения.<br>Все перечисленные в данном пункте действия по использованию Приложения Банка должны осуществляться Пользователем самостоятельно; |
| 2.2.4. Фойдаланувчи қуйидагини ҳисобга олган ҳолда Банк Иловасининг чекланмаган миқдордаги нусхаларидан фойдаланиши мумкин: битта Ускунада абонентнинг мобил телефон рақамига рўйхатдан ўтган Банк Иловасининг бир нечта версиясидан фойдаланишига йўл қўйилмайди; | 2.2.4. Пользователь может пользоваться неограниченным количеством копий Приложения Банка с учётом следующего: на одном Устройстве не допускается использование нескольких версий Приложения Банка, зарегистрированных на один абонентский номер мобильного телефона; |
| 2.2.5. Банк Иловасидан ушбу Келишувда кўрсатилмаган усулларда фойдаланиш тақиқланади.<br>Хусусан, Фойдаланувчи қуйидагиларга ҳақли эмас:<br>- Учинчи шахсларга Банк Иловасидан фойдаланиш сублицензиясини бериш, сотиш, воз кечиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш ёки бошқа шаклда фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки тақдим этиш;<br>- Банк Иловаси ёки унинг бирор қисмини модификация қилиш, такомиллаштириш, бошқа тилларга таржима қилиш, декомпиляция қилиш, дизассемблаш, декодлаш, эмуляция (тақлид) қилиш, яхлитлигини бузиш, манба кодини тиклаш;<br>- Банк Иловаси орқали маълумот ёки файлларни оммавий равишда тарқатиш;<br>- Тижорат маҳсулотнинг бир қисми сифатида, учинчи шахсларга тижорат маҳсулот ёки хизматларни | 2.2.5. Иные способы использования Приложения Банка, не указанные в настоящем Соглашении, запрещены.<br>В частности, Пользователь, не вправе:<br>- выдавать сублицензии, продавать, переуступать, давать в пользование и аренду, распространять, передавать или иным образом предоставлять права на использование Приложения Банка третьим лицам;<br>- осуществлять модификацию, усовершенствование, перевод на другие языки, декомпилирование, дизассемблирование, декодирование, эмуляцию, нарушать целостность, восстанавливать исходный код Приложения Банка или каких-либо его частей;<br>- осуществлять массовую рассылку информации или файлов с использованием Приложения Банка;<br>- использовать Приложение Банка в составе коммерческих продуктов, для предложения |

| | |
|---|---|
| таклиф этиш ёки бошқа тижорат мақсадларида Банкнинг Иловасидан фойдаланиш;<br>- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган мақсадларда Банкнинг Иловасидан фойдаланиш. | коммерческих продуктов или услуг третьим лицам или в иных коммерческих целях;<br>- использовать Приложение Банка для нарушения прав третьих лиц, а также целей, противоречащих действующему законодательству. |
| **3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**<br>3.1. Банк Иловасидан ушбу Келишувда кўрсатилмаган шартларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. | **3. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ**<br>3.1. Использование Приложения Банка на иных условиях, отличных от описанных в данном Соглашении не допускается. |
| 3.2. Банк Иловасидан фойдаланишдан олдин, Фойдаланувчи ушбу Келишув матни билан танишиб чиқиш мажбуриятини олади. Агар Фойдаланувчи ушбу Келишувнинг бирон бир қоидаси ёки умуман Келишув билан рози бўлмаса, у Банк Иловасидан ҳар қандай усулда фойдаланишни тўхтатиши керак. Фойдаланувчи, Келишувнинг 9.1-бандига мувофиқ Келишув шартларига розилик билдирган ҳолда ва Банк Иловасидан фойдаланишни давом эттириш факти билан биргаликда, ушбу Келишувнинг барча шартлари билан сўзсиз ва тўлиқ рози эканлигини билдиради. | 3.2. Перед началом использования Приложения Банка Пользователь обязуется ознакомиться с текстом данного Соглашения. Если Пользователь не согласен, с каким-либо отдельным положением или с Соглашением в целом, он обязан прекратить любое использование Приложения Банка. Пользователь, выражая свое согласие с условиями Соглашения в соответствии с п. 9.1. Соглашения и в совокупности с фактом продолжения использования Приложения Банка, тем самым безоговорочно и полностью соглашается со всеми условиями настоящего Соглашения. |
| 3.3. Келишувнинг 2.2.2-банди, 3.2-банди ва 9.1-банди доирасида «фойдаланишни бошлаш» деганда, Банк Иловаси ёки унинг функционалидан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади. Фойдаланишни бошлаш деганда, шу жумладан, шулар билан чекланмасдан қуйидагиларни ўз ичига олади: Банк иловасини юклаб олиш, ёзиш ва Ускуна хотирасида сақлаш. | 3.3. В рамках п. 2.2.2., п. 3.2. и п. 9.1. Соглашения под «началом использования» следует понимать любые действия направленные на использование Приложения Банка или его функционала. Началом использования также является, включая, но, не ограничиваясь: скачивание, запись и хранение Приложения Банка в памяти Устройства. |

| | |
|---|---|
| 3.4. Банк Иловасидан фойдаланиш бўйича қўлланма Келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Банк Иловасидан фойдаланиш бўйича қўлланмада келтирилган қоидаларнинг бузилиши Келишувнинг амал қилишининг тўхтатилишига олиб келади. | 3.4. Руководство по использованию Приложения Банка является неотъемлемой частью Соглашения. Нарушение положений руководства по использованию Приложения Банка ведет к прекращению действия Соглашения. |
| 3.5. Мазкур Келишув, ««_____________» мобил иловасининг *(мобил илова номи)* махфийлик сиёсати» [1] ҳамда Банк Иловасидан фойдаланиш бўйича қўлланма Банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. | 3.5. Соглашение, «Политика конфиденциальности мобильного приложения «________________» [1], *(название мобильного.приложения)* а также руководство по использованию Приложений Банка публикуются на Официальном сайте Банка. |
| 3.6. Банк Иловасидан Фойдаланувчи пул ўтказмалар, товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, АТ «Алоқабанк»нинг жисмоний шахсларга мўлжалланган банк хизматларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиши мумкин. | 3.6. Приложение Банка может быть использовано Пользователем для совершения операций и получения услуг АК «Алокабанк», предусмотренных условиями банковского обслуживания физических лиц и условиями использования банковских карт АК «Алокабанк», включая операции переводов денежных средств и оплаты товаров и услуг. |
| 3.7. Иловадан рўйхатдан ўтиш жараёнида Фойдаланувчининг мобил телефон рақами Банк серверларида сақланиб қолади [2]. | 3.7. При регистрации Приложения Банка абонентский номер мобильного телефона Пользователя сохраняется на серверах Банка [2]. |
| 3.8. 9.1-бандда белгиланган тартибда Ушбу Келишувнинг шартларини қабул қилиб, Фойдаланувчи ўз манфаати йўлида ва ўз иродаси билан Банкка қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқини беради: | 3.8. Принимая условия настоящего Соглашения, в порядке, установленном в п. 9.1. Соглашения, Пользователь своей волей и в своем интересе дает согласие и предоставляет Банку право: |
| 3.8.1. Пул ўтказмаларни амалга оширганда Фойдаланувчига қулай хизмат кўрсатиш мақсадида Фойдаланувчининг телефон рақами ва Ускунасининг контактлар дафтарчасидаги телефон рақамларига | 3.8.1. На осуществление автоматизированной обработки (с совершением следующих действий: сбор, запись, систематизация, накопление, хранение, использование, уничтожение) номера телефона Пользователя, а также номеров |

| | |
|---|---|
| Ускунанинг операцион тизими орқали Банк Иловасига кириш тасдиқланган ҳолда автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш (қуйидаги ҳаракатларни бажариш билан: йиғиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, ишлатиш, йўқ қилиш); | телефонов из книги контактов Пользователя, находящейся на Устройстве, при подтверждении доступа Приложению Банка к книге контактов Пользователя посредством операционной системы Устройства, с целью предоставления Пользователю удобного сервиса по совершению операций переводов денежных средств; |
| 3.8.2. Банк Иловасида реклама ва ахборот таклифлар, Банкнинг шўъба жамият ва шерикларининг товар, иш ва хизматлари бўйича йўл-йўриқларини жойлаштириш; | 3.8.2. размещение в Приложении Банка рекламных и информационных предложений, советов по товарам, работам, услугам дочерних обществ и партнёров Банка; |
| 3.8.3. Банк Иловасида операцияларни амалга ошириш ва/ёки Банк Иловасидан фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни реквизитлар тегишли сатрларига автоматик киритиш учун унинг функционал имкониятларидан фойдаланишда Фойдаланувчи томонидан мустақил равишда киритилган ва/ёки тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлардаги мавжуд шахсий маълумотларни олиш, йиғиш, тизимлаштириш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), сақлаш, фойдаланиш, автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, ўчириш; | 3.8.3. извлечение, сбор, накопление, систематизацию, уточнение (обновление, изменение), хранение, использование, автоматизированную обработку и удаление персональных данных, содержащихся в документах, удостоверяющих личность, и иных персональных данных, самостоятельно вносимых и/или предоставляемых Пользователем при осуществлении операций в Приложении Банка и/или при использовании его функционала, в целях последующего автоматизированного (автоматического) внесения соответствующих данных в соответствующие поля реквизитов, необходимых для совершения Пользователем последующих операций в Приложении Банка; |
| 3.8.4. маълумотларни сақлаш, йиғиш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ўчириш, қайта ишлаш (шу жумладан автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш) ва Фойдаланувчи Ускунасининг географик жойлашуви (географик координатлари) бўйича | 3.8.4. хранение, сбор, уточнение (обновление, изменение), удаление, обработку (включая автоматизированную обработку) и использование данных о географическом местоположении (географические координаты) |

| | |
|---|---|
| маълумотлардан фойдаланиш (уяли алоқа оператори тармоғидаги маълумотлар ва GPS сигналлари асосида), ҳамда Банк Иловасидан фойдаланишда Банк таркибий тузилмалари, Банкнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ускуналарининг жойлашган жойи тўғрисида, шунингдек Фойдаланувчи ва унинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда мавжуд қўшимча хизматлар ҳақида Фойдаланувчини хабардор қилиш мақсадида унинг (Фойдаланувчининг) операцияларни амалга оширган жойи ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш. | устройства Пользователя (на основе данных сети оператора сотовой связи и сигналов GPS) и месте совершения Пользователем операций в целях информирования Пользователя о местоположении подразделений Банка и устройств самообслуживания Банка при использовании Приложения Банка, а также о дополнительных сервисах, доступных Пользователю и обусловленных его географическим местоположением. |
| 3.9. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга Фойдаланувчининг розилиги Банк Иловасидан фойдаланишнинг бутун муддати давомида ва Банк Иловасидан фойдаланиш тугатилган кундан бошлаб 5 йил давомида амал қилади. | 3.9. Согласие Пользователя на обработку персональных данных действует в течение всего срока использования Приложения Банка, а также в течение 5 лет с даты прекращения использования Приложения Банка. |
| 3.10. Фойдаланувчи «________» *(мобил илова номи)* дастурининг веб-версиясидаги тегишли созламаларини ўзгартириш орқали Банк Иловасидан фойдаланишни ўчириб қўйиб, розилигини бекор қилиш ҳуқуқига эга. | 3.10. Пользователь имеет право и возможность отозвать данное согласие, отключив использование Приложения Банка путём изменения соответствующих настроек в веб-версии «________________________». *(название мобильного.приложения)* |
| 3.11. «__________» *(мобил илова номи)* дастурининг тегишли созламаларини ўзгартириш йўли орқали, Фойдаланувчи Ускунанинг контактлар дафтарчасидаги телефон рақамларини қайта ишлаш функциясини ўчириб қўйиш имкониятига эга. | 3.11. Пользователь имеет возможность исключить обработку номеров телефонов из книги контактов Пользователя, находящихся на Устройстве путём изменения соответствующих настроек в «______________________________». *(название мобильного.приложения)* |
| 3.12. Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2002 йилдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-II-сонли Қонун талабларига мувофиқ Банк | 3.12. Банк обязуется осуществлять обработку персональных данных Пользователя, а также обеспечить конфиденциальность и защиту обрабатываемых персональных |

| | |
|---|---|
| Фойдаланувчининг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ҳамда қайта ишланган шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва ҳимоясини таъминлашни ўз зиммасига олади. Шахсий маълумотларни қайта ишлашда Банк фойдаланувчидан олинган шахсий маълумотларни рухсатиз ёки тасодифий киришдан, йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш, нусхалаш, шахсий маълумотларни бошқаларга тақдим этиш ва тарқатиш, шунингдек, шахсий маълумотларга нисбатан бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўради. | данных в соответствии с требованиями Закона Республики Узбекистан от 12.12.2002 г. N 439-II «О принципах и гарантиях свободы информации». При обработке персональных данных Банк принимает необходимые правовые, организационные и технические меры для защиты получаемых от Пользователя персональных данных от неправомерного или случайного доступа к ним, уничтожения, изменения, блокирования, копирования, предоставления, распространения персональных данных, а также от иных неправомерных действий в отношении получаемых от Пользователя персональных данных. |
| 3.13. Банк Фойдаланувчи ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ҳуқуқига эга; | 3.13. Банк вправе ограничить сумму операции, ограничить (отклонить) операцию в случае попадания или возникновения риска попадания Пользователя или его операции под действие санкций. |
| **4. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР** | **4. ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЕ УСЛОВИЯ** |
| 4.1. Агар Банк Иловасидан фойдаланиш жараёнида Фойдаланувчининг амалга оширган амалиётлари миллий қонунчилик томонидан тақиқланган фаолият деб ҳисобланса ёки ушбу фаолият учун махсус рухсатнома, хабарнома ва ҳ.к.лар талаб қилинса, Фойдаланувчи Банк Иловасининг тегишли функционалидан ёки ундан тўлалигича фойдаланишдан бош тортиш мажбуриятини олади ва ушбу шартни бажармаганлик учун жавобгар бўлади. | 4.1. В случае если использование Приложения Банка рассматривается национальным законодательством Пользователя в качестве запрещённой деятельности, либо деятельности, на осуществление которой требуется получение специальных разрешений, подача уведомлений и т.п., Пользователь обязуется отказаться от использования соответствующих функций Приложения Банка, либо Приложения Банка в целом и несёт ответственность за невыполнение настоящего условия. |
| 4.2. Фойдаланувчи Банкга тўлаши лозим бўлган барча суммалар ва талаблар Банк томонидан сўзсиз | 4.2. Все суммы и требования, подлежащие к оплате Пользователем, могут быть взысканы Банком со счетов, |

| | |
|---|---|
| (акцептсиз) тарзда исталган банкда очилган ҳисобварақлардан ундириб олиниши мумкин. | открытых в любом банке в безусловном (без акцептном) порядке. |
| 4.3. Ушбу билан Фойдаланувчи қуйидагилар тўғрисида хабардор қилинади ва қуйидагиларга ўз розилигини билдиради: | 4.3. Пользователь настоящим уведомлён и соглашается со следующим: |
| 4.3.1. Ускунада қайта ишланган маълумотларнинг хавфсизлиги ва махфийлиги бевосита Фойдаланувчи томонидан таъминланади. Фойдаланувчи Интернетдан фойдаланиш жараёнида шахсий ва бошқа махфий маълумотларни узатиш билан боғлиқ хавфларни тушунади ва қабул қилади; | 4.3.1. Безопасность и конфиденциальность данных, обрабатываемых на Устройстве, обеспечивается непосредственно Пользователем. Пользователь понимает и принимает риски, связанные с передачей персональных данных и иной конфиденциальной информации с использованием сети Интернет; |
| 4.3.2. Банк Иловаси ўрнатилганда рўйхатдан ўтган Ускуна Фойдаланувчиси ўзгарса, Банк Иловасини Ускунадан ўчириши лозим; | 4.3.2. При смене Пользователя на Устройстве, зарегистрированном при установке Приложения Банка, необходимо удалить Приложение Банка с Устройства; |
| 4.3.3. Банк Иловадан фойдаланиш бўйича лимит ва чекловларни белгилаш ҳуқуқига эга ва уларни Фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирмасдан ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкин; | 4.3.3. Банк вправе установить лимиты и ограничения на использование Приложения Банка и может менять их по собственному усмотрению, без предварительного уведомления Пользователя; |
| 4.3.4. Штрих-кодларни сканерлаш ва аниқлаш учун Банк ташқи кутубхоналар ва дастурий таъминотдан фойдалган ҳолатда Банк Иловасини тақдим этади. Ташқи кутубхоналар ва дастурий таъминот Фойдаланувчи томонидан ишлатилиши ва Банк томонидан тарқатилиши тегишли учинчи томон лицензияларининг шартлари асосида амалга оширилади. Кутубхоналар рўйхати ва тегишли лицензия номлари ҳамда дастурий таъминот тўғрисидаги маълумотлар Банк Иловасидан фойдаланиш бўйича қўлланмаларда мавжуд; | 4.3.4. Банк использует сторонние библиотеки, программное обеспечение для сканирования и распознавания QR-кодов для предоставления сервиса Приложения Банка. Сторонние библиотеки и программное обеспечение используются Пользователем и распространяются Банком на условиях соответствующих сторонних лицензий. Список библиотек и наименования их лицензий, информация о программном обеспечении размещены в руководствах по использованию Приложений Банка; |

| | |
|---|---|
| 4.3.5. Банк Иловаси ўзининг функционалини тўлиқ ишлатиши учун, Банк Иловасида кўрсатилган хизматлар доирасида, шу жумладан Фойдаланувчининг профилидаги фотосуратларини яратиши ва сақлаши, тўлов ҳужжат ва штрих-кодларнинг фотосуратларини аниқлаши мақсадида Ускунанинг камерасини Банк Иловаси ёрдамида пул ўтказмаларни амалга ошириш учун ишлатиши мумкин; | 4.3.5. Приложение Банка в целях реализации своего полноценного функционала может осуществлять доступ к камерам Устройства с целью получения и использования фотоизображений в рамках услуг, реализуемых в Приложении Банка, в том числе для создания и сохранения фотоизображений в профиле пользователя в Приложении Банка, получения фотоизображений платежных документов и штрих-кодов, с целью их распознавания и использования для совершения операций по переводу денежных средств в Приложении Банка; |
| 4.3.6. Банк, унинг шериклари билан тузилган шартномалар асосида Банк Иловасининг зарур функционалини таъминлаш мақсадида шерикларнинг хизматларидан фойдаланади; | 4.3.6. Банк использует сервисы партнеров для предоставления необходимой функциональности Приложения Банка на основании договоров, заключенных с партнерами Банка; |
| 4.3.7. 4.2.4-бандда кўрсатилган дастурий таъминотдан ташқари барча дастурий таъминот ушбу Келишув шартларига мувофиқ тақдим этилади; | 4.3.7. Все внешнее программное обеспечение, за исключением указанного в п.4.2.4, предоставляется на условиях данного Соглашения; |
| 4.3.8. Банк Иловасидан фойдаланиш ва маълумотларни узатиш фақат Интернетга кириш имконияти мавжуд бўлганда амалга ошиши мумкин. Банк Иловасининг узлуксиз ишлаши учун Фойдаланувчи ўз Ускунасида Интернет сифатини таъминлаб бериши керак. | 4.3.8. Использование Приложения Банка и передача данных возможны только при наличии доступа к сети Интернет. Для бесперебойной работы Приложения Банка Пользователю необходимо обеспечить надлежащее качество доступа к сети Интернет на своем Устройстве. |
| **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ** | **5. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН** |
| 5.1. Банк Иловаси «қандай бўлса, шундайлигича» (as is) шартларида тақдим этилади. Банк Иловаси Фойдаланувчининг муайян мақсад ва истакларига мувофиқлиги тўғрисида Банк томонидан ҳеч қандай кафолатлар ҳамда Келишувда аниқ | 5.1. Приложение Банка предоставляется на условиях «как есть» (as is). Банк не предоставляет никаких гарантий в отношении соответствия Приложения Банка конкретным целям и ожиданиям Пользователя, а также не |

| | |
|---|---|
| кўрсатилмаган бошқа кафолатлар берилмайди. Келишувдан келиб чиқадиган ҳар қандай бевосита, билвосита, қасддан, тасодифий ва кейинги зарарлар ёки Иловани ишлатиш ёки ишлата олмаслик натижасида (шу жумладан, ишчанлик обрў-эътиборини йўқотиш, ишни тўхтатиш, техник узилиш, авария ёки носозлик, ёки ҳар қандай тижорат операцияларидан кўрилган зарар, харажат ёки йўқотилган фойда, ёки асоссиз бойлик орттириш) учун Банк Фойдаланувчи олдида жавобгар бўлмайди, ҳатто Банк бундай зарар етказилиши мумкинлигини билган ёки билиши керак бўлган тақдирда ёки Фойдаланувчи бундай зарар етказилиши тўғрисида огоҳлантирилган бўлса ҳам. | предоставляет никаких иных гарантий, прямо не указанных в Соглашении. Ни при каких условиях Банк не несет ответственности перед Пользователем за убытки, включая любые прямые, косвенные, умышленные, случайные или последующие убытки любого характера проистекающие из данного Соглашения или из использования или невозможности использования Приложения Банка (включая, но, не ограничиваясь, убытками, возникшими в результате потери деловой репутации, прекращения работы, технического сбоя, аварии или неисправности или любых коммерческих убытков, издержек или потерь, а равно упущенной выгоды или неосновательного обогащения) даже если Банку было известно или должно было быть известно о возможности такого ущерба или Пользователь был предупрежден о возможности такого ущерба. |
| 5.2. Банк Фойдаланувчининг махфий маълумотлар хавфсизлигини ва Банк Иловасининг ишлаш қобилиятини таъминлашга қаратилган барча оқилона чоралар ва мақсадга мувофиқ ҳаракатларни амалга оширади. Банк узининг Иловасига кафолатланган хизмат кўрсатмайди. | 5.2. Банк предпринимает все разумные меры и осуществляет любые целесообразные действия, направленные на обеспечение сохранности конфиденциальных данных Пользователя и поддержание работоспособности Приложения Банка. Банком не производится гарантийное обслуживание Приложения Банка. |
| 5.3. Банк Фойдаланувчи Банк Иловасидан фойдаланган ҳолда маълумотни учинчи шахсларга узатиши, шунингдек, ушбу Ускунага рухсат берилмаган кириш ёки вирусли ёки зарарли дастурий таъминотни қўлланилиши натижасида Банк Иловасидаги маълумотлар учинчи шахсларга маълум бўлиб қолиши учун жавобгар бўлмайди. | 5.3. Банк не несет ответственность за передачу Пользователем информации третьим лицам с помощью Приложения Банка, а также, в случае если информация из Приложения Банка стала доступна третьим лицам вследствие их несанкционированного доступа к Устройству или действий вирусного или |

Намуна 1.8

| | |
|---|---|
| | вредоносного программного обеспечения на Устройстве. |
| 5.4. Банк Иловадан фойдаланишнинг имкони бўлмаган ҳолатларда ҳамда ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар юзасидан хизмат кўрсата олмаганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди. | 5.4. Банк не несет ответственности за невозможность использования Приложения Банка и предоставления услуг Банка по независящим от него обстоятельствам. |
| 5.5. Банк Иловасининг ишлашини таъминлаш ҳуқуқини Банк ўзида чекланган тартибда сақлаб қолади (шу жумладан, Банк хизмат кўрсатиши учун лозим бўлган сервис хизматларини учинчи тараф ташкилотлар томонидан тақдим этилмаслиги сабабли), ёки исталган вақтда ўз ихтиёри билан Банк Иловасининг баъзи функцияларини ўчириб қўйиши ёҳуд ундан фойдаланишни бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. | 5.5. Банк оставляет за собой право предоставления функциональности Приложения Банка в ограниченном режиме (в том числе по причине не предоставления Банку сторонними организациями сервисов, необходимых для предоставления услуг), либо в любой момент, по своему усмотрению, отключать определенные функции внутри Приложения Банка, либо полностью прекратить возможность использования Приложения Банка. |
| 5.6. Келишув Фойдаланувчига интеллектуал мулк объектларидан, шу жумладан Банк ёки унинг шерикларининг савдо белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди. Ушбу Келишувда кўзда тутилган ҳуқуқлар бундан мустасно. | 5.6. Соглашение не дает Пользователю никаких прав на использование объектов интеллектуальной собственности, включая товарные знаки и знаки обслуживания Банка или его партнеров, за исключением прав, предоставляемых настоящим Соглашением. |
| 5.7. Фойдаланувчи томонидан Келишув бўйича зиммасидаги мажбуриятларни бажарилмаслиги ёҳуд лозим даражада бажарилмаслиги, шунингдек Лицензия шартларини бузилиши уни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар деб топишга сабаб бўлади. | 5.7. За неисполнение либо ненадлежащее исполнение обязательств, взятых на себя Пользователем по Соглашению, а также за нарушения условий Лицензии, Пользователь несет ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан. |
| 5.8. Фойдаланувчи томонидан ушбу Келишув шартларини ҳар қандай кўринишда бузилиши Лицензиянинг бекор қилинишига олиб келади. | 5.8. Любое нарушение условий данного Соглашения Пользователем ведет к прекращению действия Лицензии. |
| 5.9. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг Банк | |

| | |
|---|---|
| Иловасидан фойдаланган ҳолда, Фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.<br>5.10. Фойдаланувчи ёки у билан муносабатга киришган шахс ҳатти-ҳаракатлари юзасидан тегишли ташкилотлар томонидан мижозга ёки у билан муносабатга киришган шахсга қўлланилган ҳар қандай чоралар, жумладан санкциялар (тегишли рўйҳатлар, OFAC, Европа Иттифоқининг Mar va OFSI, SDN ва CARTA санкциялари) шунингдек, санкциялар оқибатида вужудга келадиган ҳар қандай турдаги зарарлар учун банк ўз мажбуриятларини бажарганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан қатъий назар жавобгар ҳисобланмайди.<br>5.11. Мазкур шартнома асосида банк ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариши муносабати юзасидан сўралган маълумотларнинг фойдаланувчи томонидан реал вақт режимида тақдим этилмаслиги ёки ёлғон маълумот берилганлиги натижасида банкка етказилган ҳар қандай зарар учун фойдаланувчи жавобгар ҳисобланади.<br>**6. ЛЕГАЛИЗАЦИЯ**<br>6.1. Фойдаланувчи «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилади.<br>6.2. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, Фойдаланувчини олдиндан хабардор қилмасдан операцияларни тўхтатиб | 5.9. В случае использования Приложения Банка после прекращения действия Лицензии, Пользователь несет ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.<br>5.10. Банк не несет ответственность за любые меры, включая санкции (соответствующие списки, санкции OFAC, EU MAR и OFSI, SDN, CARTA), а также любой ущерб, возникший в результате введения санкций, принятые соответствующими организациями в связи с действиями Пользователя или лица, вступившего в отношения с Пользователем, независимо от исполнения или ненадлежащего исполнения банком своих обязательств.<br>5.11. Пользователь несет ответственность за любой ущерб, причиненный банку в результате непредоставления Пользователем запрошенной информации в режиме реального времени или предоставления Пользователем недостоверной информации в связи с исполнением банком своих прав и обязательств по настоящему договору.<br>**6. ЛЕГАЛИЗАЦИЯ**<br>6.1. Пользователь строго соблюдает требования, изложенные в нормативно-правовых документах «О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения». |

| | |
|---|---|
| қўйиши (мажбуриятни бажаришдан бир тарафлама бош тортиши) ва пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкларини ишга солмасдан тўхтатиб қўйиши мумкин. | 6.2. В случаях, предусмотренных законодательством, Банк может приостановить операции (односторонний отказ от исполнения обязательств) без предварительного уведомления Пользователя, и заморозить денежные средства или другое имущество. |
| 6.3. Банк «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, Фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирмасдан унинг барча операцияларини тўхтатиб туриши, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкларини ишга солмай тўхтатиб қўйиши мумкин. | 6.3. Банк в соответствии с Законом «О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» и другими законодательными актами без предварительного предупреждения может приостановить все Операции Пользователя, приостановить реализацию денежных средств или иного имущества. |
| 6.4. Банк «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирмасдан унинг барча операциялари бўйича маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериши мумкин. | 6.4. Банк в соответствии с Законом «О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» и другими законодательными актами без предварительного предупреждения может предоставить правоохранительным органам всю информацию по всем Операциям Пользователя. |
| 6.5. Банк «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, Фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирмасдан Келишувни бекор қилиши мумкин. | 6.5. В случае несоблюдения Пользователем требований Закона «О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового |

Намуна 1.8

| | |
|---|---|
| **7. АНТИКОРРУПЦИЯ**<br>7.1. Тарафлар коррупция фаолияти деганда пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мулк ёки мулкий ҳуқуқлар кўринишидаги имтиёзларни олиш, маъмурий ва бошқа тартибларни соддалаштириш, рақобатдош ва бошқа устунликларни таъминлаш, ўзи ёки учинчи шахслар учун тартибга солувчи органлар томонидан рухсатномалар олиш мақсадида бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахсларнинг воситачилиги орқали қилинган ҳар қандай ҳаракатлар деб тушунилади.<br>7.2. Коррупция фаолияти, шу жумладан, аммо қуйидагилар билан чекланмасдан қуйида келтирилган шаклларда амалга оширилиши мумкин: мансаб ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, шахснинг ўз хизмат ёки хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши; пора бериш ва олиш, товламачилик ёки пора беришга ундаш; тижоратда пора бериш; тўловларни амалга ошириш, пул маблағларини таклиф қилиш ёки тўлашга рухсат бериш, қийматликларни ҳар қандай шаклда, шу жумладан совғалар, ҳуқуқлар ёки хизматлар шаклида ўтказиш.<br>7.3. Ҳар бир тараф қуйидагиларга ҳақли эмас:<br>а) давлат ва муниципал органлар ва уларнинг ходимлари, контрагентлар, ҳамда бошқа юридик шахслар ва уларнинг ходимлари, бошқарув органлари ва ушбу юридик шахсларнинг вакилларига нисбатан коррупцион хатти-ҳаракатларни содир этиш; | уничтожения» и других действующих законодательных и подзаконных актов, Приложение расторгается Банком в одностороннем порядке.<br><br>**7. АНТИКОРРУПЦИЯ**<br>7.1. Под коррупционной деятельностью Стороны понимают любые действия, совершенные прямо или косвенно, лично или через посредничество третьих лиц, в целях получения выгоды в виде денег, ценностей, иного имущества или имущественных прав, упрощения административных и иных процедур, обеспечения конкурентных и иных преимуществ, получения разрешения регулирующих органов для себя или для третьих лиц.<br><br>7.2. Коррупционная деятельность может осуществляться в том числе, но не ограничиваясь, в форме: злоупотребления должностным или служебным положением, любого иного незаконного использования лицом своего должностного или служебного положения; дачи, получения, вымогательства или склонения к даче взятки; коммерческого подкупа; выплаты, предложения или разрешения выплаты денежных средств или передачи ценностей в любой форме, в том числе в виде подарков, предоставления прав или услуг.<br>7.3. Каждая из Сторон не в праве:<br><br>а) совершать коррупционные действия в отношении государственных и муниципальных органов и их служащих, контрагентов, а |

| | |
|---|---|
| б) ушбу Тарафга нисбатан содир этиладиган коррупцион хатти-ҳаракатларда иштирок этиш;<br>в) тузилаётган ёки тузилган келишув бўйича бошқа Тарафнинг фаолиятига ва қарорларига таъсир ўтказиш учун коррупцион ҳаракатларни содир этиш;<br>г) жиноий, шу жумладан, коррупцион йўл билан олинган пул маблағларни легаллаштиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ёки амалга оширишга ёрдам бериш. | также иных юридических лиц и их работников, органов управления и представителей указанных юридических лиц;<br>б) участвовать в коррупционной деятельности, совершаемой в отношении данной Стороны;<br>в) совершать коррупционные действия в отношении другой Стороны с целью оказания влияния на ее действия и решения по заключаемым или заключенным Приложениям;<br>г) осуществлять или содействовать в осуществлении деятельности, направленной на легализацию денежных средств, полученных преступным путем, в том числе в результате коррупционной деятельности. |
| 7.4. Ҳар бир Тараф ўз зиммасига шахсий қонун ва коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш мажбуриятини олади. | 7.4. Каждая из Сторон обязуется соблюдать личный закон, а также нормы международного права по противодействию коррупционной деятельности. |
| 7.5. Агар Тараф Келишувнинг 7.3.-бандида келтирилган ҳар-қандай қоиданинг бузилиши содир бўлган ёки бўлиши мумкинлигига шубҳа қилса, ушбу Тараф бошқа Тарафни ёзма равишда ушбу ҳақида хабардор қилишни ўз зиммасига олади. | 7.5. В случае возникновения у Стороны подозрений, что произошло или может произойти нарушение каких-либо положений п. 7.3. Приложения, соответствующая Сторона обязуется уведомить об этом другую Сторону в письменной форме. |
| 7.6. Ёзма хабарномада Тараф Келишувнинг 7.3.-бандида келтирилган ҳар-қандай қоиданинг бошқа Тараф, унинг ходимлари ёки вакиллари томонидан бузилиши содир бўлган ёки бўлиши мумкинлигини ишончли равишда тасдиқлайдиган ёки фараз қилинишига асос бўладиган фактларни келтириш ёки материалларни тақдим этишга мажбурдир. | 7.6. В письменном уведомлении Сторона обязана сослаться на факты или предоставить материалы, достоверно подтверждающие или дающие основание предполагать, что произошло или может произойти нарушение каких-либо положений пункта 7.3. Приложения другой Стороной, ее работниками или представителями. |
| 7.7. Коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш учун Операторнинг ихтисослашган алоқа каналлари: antikor@aloqabank.uz | |

| | |
|---|---|
| 7.8. Тарафлар Келишувнинг 7.3.- бандида келтирилган қоидаларни бузилиши бўйича махфийлик тамойилларига риоя этган ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллаган ҳолда тегишли муҳокама ўтказишни кафолатлайдилар. Тарафлар ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида хабар берган Тарафга салбий оқибатлар бўлмаслигини кафолатлайдилар.<br><br>7.9. Тараф ушбу Коррупцияга қаршилик тўғрисида қўшимча шартини бузган тақдирда, бошқа Тараф бузган Тарафга камида 1 (бир) кун олдин электрон почта орқали ёки қоғоз шаклида ёзма равишда хабар бериш орқали Келишувни бажаришни рад этиш, шунингдек, ушбу қонун бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.<br><br>**8. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**<br>8.1. АТ «Алоқабанк» акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс бўлиб, қуйидаги реквизитларга эга:<br><br>манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй, почта индекси 100047;<br><br>**а)** солиқ тўловчининг идентификацион рақами: 200829053;<br>**б)** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 27 октябрда берилган 48-сонли лицензияси;<br>**в)** домен манзили: www.aloqabank.uz;<br>**г)** e-mail: info@aloqabank.uz; | 7.7. Специализированные каналы связи Оператора для сообщений о фактах коррупции: antikor@aloqabank.uz<br>7.8. Стороны гарантируют осуществление надлежащего разбирательства по фактам нарушения положений пункта 7.3. Приложения с соблюдением принципов конфиденциальности и применением эффективных мер по предотвращению возможных конфликтных ситуаций. Стороны гарантируют отсутствие негативных последствий как для уведомившей Стороны в целом, так и для конкретных работников уведомившей Стороны, сообщивших о факте нарушений.<br>7.9. В случае нарушения Стороной настоящей коррупционной оговорки другая Сторона вправе отказаться от исполнения Приложения, письменно уведомив нарушившую Сторону посредством электронной почты или на бумажном носителе не менее, чем за 1 (один) день, а также требовать возмещения причиненных таким нарушением убытков.<br><br>**8. РЕКВИЗИТЫ БАНКА:**<br>8.1. АК «Алокабанк» (далее по тексту «Банк») - юридическое лицо в форме акционерного общества, имеющие следующие реквизиты:<br>адрес: город Ташкент, Мирабадский район, проспект Амира Темура, дом 4, почтовый индекс 100047;<br>**а)** индивидуальный номер налогоплательщика: 200829053;<br>**б)** лицензия №48, выданная Центральным банком Республики Узбекистан от 27.10.2017 года; |

| | |
|---|---|
| **д)** Тел.: (71) 230-77-77.<br><br>**9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**<br>9.1. Фойдаланувчининг Келишув шартларини қабул қилиши Фойдаланувчининг фаол ҳаракатлари билан амалга оширилади (тугмачани босиш/ «Тасдиқлаш» Банк Иловаси менюсини танлаш [3]) ва бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367- ва 370-моддаларига мувофиқ, Банк офертасини қабул қилиш (акцептлаш) ҳисобланади. Фойдаланувчи Банк Иловасидан амалда фойдаланишни бошлаши, унинг Келишув шартларига қўшилганлигини тасдиқлаш ҳисобланади. Банк Иловасидан ҳар бир фойдаланишида Фойдаланувчи Банк Иловасининг амалдаги Келишув шартларига ўз розилигини билдирган бўлади.<br><br>9.2. Келишув Банк Иловасининг кейинги барча янгилашлари/янги версиялари учун амал қилади. Банк Иловасининг янгилашлари/янги версияларини ўрнатишга розилик билдириш билан, Фойдаланувчи Банк иловасининг тегишли янгилашлари/янги версиялари учун Келишув шартларини қабул қилади (агар Банк Иловасини янгилашни/янги версиясини ўрнатиш бошқа Лицензия Келишуви билан амалга оширилмаса).<br>9.3. Келишув Банк томонидан бир томонлама равишда ўзгартирилиши мумкин. Келишувнинг шартларига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги билдиришнома Фойдаланувчи учун Банк Иловасининг янги таҳририда ва/ёки Банкнинг расмий сайтида жойлаштирилади. Киритилган | **в)** доменный адрес:<br>www.aloqabank.uz;<br>**г)** e-mail info@aloqabank.uz;<br>**д)** Тел.: (71) 230-77-77.<br><br>**9. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ**<br>9.1. Принятие Пользователем условий Соглашения осуществляется путем активных действий Пользователя (нажатием на кнопку/выбором пункта меню Приложения Банка «Подтвердить» [3]), что в силу ст. 367 и ст.370 Гражданского кодекса Республики Узбекистан является принятием (акцептом) оферты Банка. Фактическое начало использования Пользователем Приложения Банка является подтверждением присоединения Пользователя к условиям Соглашения. Каждым использованием Приложения Банка Пользователь выражает согласие с условиями Соглашения в редакции, которая действовала на момент фактического использования Приложения Банка.<br>9.2. Действие Соглашения распространяется на все последующие обновления/новые версии Приложения Банка. Соглашаясь с установкой обновления/новой версией Приложения Банка, Пользователь принимает условия Соглашения для соответствующих обновлений/новых версий Приложения Банка, если обновление/установка новой версии Приложения Банка не сопровождается иным лицензионным Соглашением.<br>9.3. Соглашение может изменяться Банком в одностороннем порядке. Уведомление Пользователя о внесенных изменениях в условия |

| | |
|---|---|
| ўзгартиришлар уларни эълон қилинган санадан бошлаб кучга киради (агар эълонда маълум бир сана белгиланмаган бўлса). Банк ушбу Лицензияни исталган вақтда исталган фойдаланувчидан бекор қилишга ҳақлидир. | Соглашения размещается в новой версии Приложения Банка и/или на Официальном сайте Банка. Указанные изменения вступают в силу с даты их публикации, если иное не оговорено в соответствующей публикации. Банк имеет право в любой момент отозвать данную Лицензию у любого Пользователя. |
| 9.4. Банк, Банк Иловаси бўйича барча ҳуқуқларнинг ягона эгаси эканини ва уларни амалдаги қонунчилик доирасида, ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга ҳақли эканини маълум қилади. | 9.4. Настоящим Банк заявляет, что является единственным обладателем всех прав на Приложение Банка и правомочен распоряжаться ими по своему усмотрению, в рамках действующего законодательства. |
| 9.5. Банк, ўртадаги Шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳам Фойдаланувчининг, ҳам Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан қўлланилиши лозим эканини маълум қилади. Бунда Банкнинг, Фойдаланувчининг ёки Фойдаланувчининг Ускунаси жойлашган манзили аҳамиятга эга бўлмайди. | 9.5. Настоящим Банк заявляет, что законодательство Республики Узбекистан подлежит применению к правам и обязанностям Пользователя и Банка по Соглашению, вне зависимости от места нахождения Банка, Пользователя или Устройства Пользователя. |
| 9.6. Шартномани бажариш, бекор қилиш ёки яроқсиз дея тан олиш ҳолатларида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тортишувлар, келишмовчиликлар ва даъволарни Фойдаланувчи ва Банк мажбурий даъво тартибига риоя қилган ҳолда, ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилади. Юзага келган тортишувларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имконсиз бўлган ҳолатда, муаммо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, Банк жойлашган ҳудуд бўйича Суд орқали ҳал қилинади. Суд иши юритилиш тили – ўзбек тили. | 9.6. Все споры, разногласия и претензии, которые могут возникнуть в связи с исполнением, расторжением или признанием недействительным Соглашения, Пользователь и Банк будут стремиться решить путем переговоров с соблюдением обязательного претензионного порядка. Однако, если возникшие споры не представляется возможным решить путем переговоров, они будут разрешаться в судебном порядке в соответствии с законодательством Республики Узбекистан по месту |
| 9.7. Шартнома бекор қилинган ёки Лицензия муддати тугаган ҳолатда Фойдаланувчи Банк Иловасидан ҳар | |

| | |
|---|---|
| қандай ҳолатда ҳам фойдаланишни дарҳол тўхтатишга ва уни ҳар бир Ускуна хотирасидан ўчириб ташлашга мажбур.<br>9.8. Ускуна операцион тизимининг ўзига хос жиҳатларига қараб Тугма/пункт меню Банк иловаси дастурий таъминот орқали амалга оширилади. Банк ушбу Тугманинг дизайни ва номини ўзгартириш ҳуқуқига эга.<br><u>9.9. Банк амалга ошираётган операциялар мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.</u> | нахождения Банка, язык судопроизводства - узбекский.<br>9.7. В случае прекращения действия Соглашения или истечения срока Лицензии, Пользователь обязан незамедлительно прекратить любое использование Приложения Банка и удалить его из памяти всех Устройств.<br>9.8. В зависимости от специфики работы операционной системы Устройства Кнопка/пункт меню Приложения Банка реализуется средствами программного обеспечения. Банк вправе изменять дизайн и наименование данной Кнопки.<br>9.9. Банк вправе отказать клиенту в обслуживании и в одностороннем порядке расторгнуть с ним договор если совершаемые банком операции не соответствуют профилю клиента в его анкете. |